

Тошкент ислом институтида тест синовлари бўлиб ўтди



15:09 / 11.08.2021 1447

Бугун, 11 август куни Тошкент ислом институти Модуль таълим тизими учун тест синовлари бўлиб ўтди.

Дастлаб, абитуриентлар карантин чора-тадбирларига мувофиқ, институт ҳовлисидаги очиқ ҳаводаги имтиҳон ўтказиладиган жойдаги парталарга жойлаштирилди. Уни институт ректори У.Ғафуров кириш сўзи билан очиб берди.

Сўнг институт ходими Козимхон қори Асроровнинг Қуръон тиловати ва устозларнинг хайрли дуолар қилишди.

Кириш имтиҳони аввалида Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Комилов ва Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари И.Иномов бўлажак толиби илмларга муваффақият тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон муслмонлари идораси Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Салоҳиддин Шерхонов, Диний-маърифий таълим муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Бобомурод Рустамовлар, қабул ҳайъати аъзолари, абитуриентлар ва ота-оналар гувоҳлигида имтиҳон билетлари солинган ва муҳрланган махсус қоплар очилди.

Кейин тест саволлар китобидан фойдаланиш ва жавоблар варақасини тўғри бўяш бўйича тушунча берилди. Тест материаллари абитуриентларга тарқатилгач, уларни ечиш учун 2 соат вақт ажратилди.

Эслатиб ўтамиз, Модуль таълимида камида 5 йил мобайнида масжидларда ишлаб келаётган ўрта махсус диний маълумотли имом-хатиблар ўқиши мумкин. “Имом-хатиб” талабалар Модуль тизимида тўлов-контракт асосида масжиддаги иш фаолиятдан бўшамаган ҳолда, 3 йил таҳсил олади.

Маълумот учун, 2021-2022 ўқув йили учун Тошкент ислом институти Модуль таълим тизимига modul.muslim.uz сайти орқали 192 нафар абитуриент ариза топширган эди.

ТИИ матбуот хизмати